

Ижтимоий соҳа объектларидаги муаммолар бартараф этилди



Киши мавсумида ижтимоий соҳа объектларида иситиш тизими, энергия таъминоти ва коммунал хизматларнинг сифатли кўрсатилишини таъминлаш бўйича туман штаби томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бугун тумандаги мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида қишки таътил кетаётганларидан фойдаланиб, ушбу объектларда ишчи гурухлар томонидан ўрганиш ишлари ўtkазилди ва аниқланган муаммолар жойида бартараф этилди.

Муассасаларни дизенфекциялаш ишларини олиб борилиб, электр таъминотидаги узилишларни созлаш, коммунал хизматларнинг йўлга қўйилиши билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар жойига чиқсан ҳолда масъуллар томонидан бартараф этилди.

Бу борадаги ишлар туман бўйлаб давом эттирилмоқда.